# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 27 июнь. ЖУМА № 51 (5.822). Сотувда эркин нархда


*Ўз донимиз ширин нонимиз*

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Бухоро вилояти деҳқонлари йиллик дон топшириш давлат буюртмасини бажардилар. Қабул пунктларига 108,4 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб берилди. Гектар бошига ўртача 31,3 центнердан ҳосил кўтарилди.

Ғалла ўрими давом этмоқда.

## МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

**Сурхондарё вилоятининг бир йўла икки тумани — Узун ва Бандихон туманлари дон топшириш давлат буюртмасини бажарди. Узунликлар уйган хирмон 10 минг 806 тоннани ташкил этди. Гектар бошига ўртача 41 центнердан ҳосил кўтарилди. Бандихонликлар эса қабул пунктларига тўққиз минг тоннадан кўпроқ дон етказиб беришди. Ўртача ҳосилдорлик 34 центнер бўлди. Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.**

* * *

**Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани деҳқонлари зафар қучдилар. Улар хирмонга 3 минг 100 тонна дон етказиб бердилар. Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.**

* * *

**Навоий вилояти Конимех тумани ғаллакорлари йиллик дон топшириш давлат буюртмасини бажаришди. Қабул пунктларига беш минг тонна дон топширилди. Ўртача ҳосилдорлик 41 центнерга етди. Туман ғаллакорлари ялпи хирмонни 9 минг тоннага етказишмоқчи.**



**Мамлакатимизнинг барча ғалла майдонларида бўлгани каби Бўз туманидаги Маннон Жалолов номли ширкатлар бирлашмаси далаларида ҳам ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Кўпгина бригадалар ва ижарачилар ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказиб республикамиз ғалла хирмонига барака киритишмоқда.**

**Суратда: илғор бригада бошлиғи Раҳмонали Жалолов ва ижарачи Ғофуржон Абдуллаевлар меҳнатлари натижасидан мамнун.**

**Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).**

## МАВСУМ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Қуёш эрталабдан олов пуркаб турибди. Олтин бошоқлар мавж урган ғаллазорда комбайнлар бир маромда гуриллаб донни саранжомлаб олмоқда. Урим-йиғим транспорт отрядига уюшган битта «Кейс», 14 та «Нива», «Енисей», «Сибиряк» уч гуруҳга бўлинган ҳолда мавсумда иштирок этаяпти. Ҳар бир комбайнга 2 нафардан механизатор бириктирилган. Бир агрегат ёрдамида кунига 4—5 гектар ердаги ҳосил саранжомлаб олинаётир.

Айни кунларда Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа-ширкат хўжалигига қарашли ғаллазорларда бўлсангиз шундай қизғин меҳнат устидан чиқасиз. Далаларда баракали ҳосил тўпланган. Айниқса, Олтинкўл массивида ҳосил чўғини кўрган кишининг кўзи қувнайди.

Бултур кузда жами 100 гектар майдонга арпанинг «Болғали» нави экилганди. Мавжуд майдонлардан 350 тонна арпа йиғиштириб олинди. 1210 гектар майдонда етиштирилган буғдойни ўриб-йиғиб олиш ишлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Буғдойнинг «Санзор—4», «Санзор—8» ва «Маржон» навлари экилган жойлардан гектаридан 50—60 центнердан хирмон барпо этилаяпти. Тўра Хўжамбердиев, Қурбон Хайруллаев, Бўри Рўзиев, Собир Темиров, Бекмамат Мусаев, Абди Сафаров етакчилик қилаётган бригадаларда мавсум юқори кўрсаткичлар билан якунланди.

Ғаллачилик чўлқуварларнинг асосий соҳасига айланиб бормоқда. Нав танлашга жиддий эътибор беришади. Утган йил кузда Аҳмад Азизов бошлиқ бригада деҳқонлари Ғаллаоролдан буғдойнинг «Маржон» навини олиб келган эдилар. Ушбу нав 30 гектар ерга экилди. Парвариши юксак агротехника қоидаларига мувофиқ олиб борилгани, экинлар минерал ва маҳаллий ўғитлар билан етарли озиқлантирилгани туфайли кўзланган ҳосил унди. Гектаридан 50 центнердан дон йиғиштирилди. Унинг ҳаммаси уруғчиликка олиб қолинди. Келгуси йил бу нав уруғ 200 гектардан кўпроқ ерга экилиши кузда тутилаяпти.

Ҳа, хўжалик ғаллазорларида мавсум қизғин паллага кирди. Холиқ Ҳайитов бошлиқ бригада ерларида комбайнлар «наъраси» авжида. Қосим Бўронов, Олти Алиқулов, Рашид Маҳмадмуродов, Норқул Қулмуродов, Ражаббой Тўрақулов сингари фидойи комбайнчилар бир сменада 5—6 гектар майдондаги ғаллани ўриб хирмонга барака киритишаяпти.

Мавсум арафасида бошқарув кенгаши, касаба уюшма ва фирқа қўмиталари белгилаган тадбирга мувофиқ бир комбайнчига 3200 сўмлик махсус кийимбош, 50 килограмм ун, 10 килограмм ёғ, 2 тонна сомон берилди. 1 гектардаги ғаллани ўрган механизаторга 90—160 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Механизаторлар йил якуни бўйича ҳар тонна янчилган дон учун 7—9 килограмм миқдорида дон олишади. Шунингдек, мавсум иштирокчиларига кунига икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Дам олишларига етарли шароит яратилган.

— Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган ушбу йилда юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаяпмиз. Ниятимиз, мўлжалдаги 4000 тонна ўрнига 5250 тонна сара дон йиғиштириб олиш. Яъни гектарлар ҳосилдорлигини 40 центнерданга етказишдир. Давлатга эса 2200 тонна дон сотиб, 400 тоннасини уруғликка олиб қоламиз. Қолгани хўжалик аъзоларига ҳамда уруш фахрийлари, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга тарқатилади, — дейди бошқарув кенгашининг раиси Зикриё Асроров.

Умуман ғаллачиликдан олинадиган умумий даромадни 75—80 миллион сўмга, соф фойдани эса 25—30 миллион сўмга етказишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ғалладан бўшаган ерларга макка, сабзавот экинлари экишни жадал бошлаб юбордик.

**Жўра ЮСУПОВ.**

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли журналистлар!

Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман.

Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, айниқса жамиятни демократлаштиришда матбуотнинг ўрни беқиёс. Келажаги буюк давлат барпо этишга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда, Сиз қалам аҳлининг муносиб хизматингиз бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.

Ишончим комилки, заҳматкаш журналистларимиз яратилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан самарали фойдаланадилар, демократик ўзгаришларга турлича қарашларни эркин ва ҳаққоний ифодалаш орқали ўзбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтарадилар.

Сизларни, жумладан, барча матбаачиларни, босмахона ишчи-хизматчиларини касб байрамингиз — миллий матбуот куни билан яна бир бор қутлар эканман, ҳар бирингизга озод ва обод мамлакатимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақият, куч-ғайрат, соғлиқ-саломатлик тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Бухоро вилояти ҳокимлигида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, бошқарма, муассаса, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Президентнинг давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази директори А. Саидов, «Халқ сўзи» рўзномаси бош муҳаррири А. Усмонов ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, юртбошимизнинг китобида мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган туб ўзгаришлар чуқур таҳлил этилиб, келажак ҳаётимиз уфқлари, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш вазифалари белгилаб берилганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими С. Ҳусенов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*Ғўза парвариши қандай бормоқда?*

## ЧИЛЛА — ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

Деҳқончиликда йилдан-йилнинг фарқи дарҳол сезилади. Эрта баҳор серёғин бўлса, ёз салқин ўтиб, куз қуруқ келади. Ёки аксинча, кўкламда ёғмаган ёмғир кузга бориб ерга тушиб деҳқонни шошириб қўяди. Хуллас, деҳқончилик юмушлари йилда ўзгаради, парвариш об-ҳавога қараб олиб борилади. Бу эса замин заҳматкашини пишитади. Соддагина айтганда, она табиат инсонни шароитга қараб иш юритишга ўргатиб бораверади. Кексалар айтганидек, ўзи синаб, ўзи йўл кўрсатади.

Дарҳақиқат, бу йил ҳам кўкламда ёғингарчилик кўп бўлди. Унинг давоми — ёзнинг биринчи ойи ҳам шундай ўтди. Дадил бўй чўзаётган ниҳолларнинг маълум қисмига зиён етди. Бободеҳқоннинг ташвишларини орттирди. Қатор майдонларда қайта чигит экилди. Кўп зарар кўрмаган далалардаги экинга ишлов беришга эътибор кучайтирилди. Ягона мақсад — ортиқча нобудгарчилик бўлмасин, мўлжалдаги ҳосил унсин. Пахтакорлар меҳнатига яраша даромадини, роҳатини кўрсин.

Мана, ёз чилласи ҳам кирди. Ғўза парваришида муҳим давр бошланди. Шу кунларда астойдил ҳаракат қилиб, илғорлар тажрибасига таяниб иш юритган заршуноснинг кузда кўтарадиган хирмони баракали бўлади.

Ушбу ғанимат кунларнинг қадрига етиб деҳқончилик қилаётган жамоаларда бугунги манзара кишини қувонтиради. Жумладан, Шаҳрихон туманидаги «Найнаво», академик Саримсоқов номли, Марҳаматдаги Т. Мирзаев номли, Балиқчидаги «Ўзбекистон», Булоқбоши туманидаги Навоий номли хўжаликларда барча агротехник тадбирлар вақтида, сифатли ўтказилаётганлиги туфайли ғўза ривожи яхши.

Айниқса, мазкур хўжаликларда плёнка остига чигит экилган майдонларда бугунги кунда ғўзалар ёппасига гуллаб, кўсак тугиш палласига кирди. Бундай ибратли мисолларни республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳам келтириш мумкин. Эндиги асосий вазифа — экинни суғориш, уни ҳашорат ва зараркунандалардан асрашга эътиборни кучайтириш.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоиз, пахтачиликда катта мактаб яратган андижонлик деҳқонларнинг ғайрати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Буни юқорида келтирилган мисоллар ҳам кўрсатиб турибди. Шу пайтга қадар Андижон вилояти пахтакорлари экин майдонларини ўртача салкам тўрт ярим маротаба культивациядан чиқаришди. Битта техника ёрдамида кунига ўртача 5,5 гектар майдондаги ғўзага ишлов берилаяпти. Суғориш ишлари ҳам кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

Ғўза парвариши, унга ишлов бериш, озиқлантиришда, шунингдек, Бухоро, Наманган, Фарғона ва бошқа вилоятларининг кўпгина хўжаликларида ҳам ишлар намунали олиб борилмоқда. Унлаб жамоа далаларида эртаги ҳамда сифатли ҳосил етиштирилиб, насиб этса катта хирмон кўтаришга пухта замин ҳозирланаётир.

Умуман, июнь ойининг қарийб йигирма беш куни мобайнида республикамиз далаларида ўртача салкам уч ярим маротаба культивация ўтказилди. Мавжуд техника воситаларининг 21040 тасидан унумли фойдаланилди. Ҳар бири ёрдамида бир кунда ўртача 4,7 гектар ерга ишлов берилди. Пахта майдонларининг 70,6 фоизи суғорилди.

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг олти йиллик тўйини нишонлашимизга икки ойгина вақт қолди. Тўйга тўёна билан деганларидек, аҳдига содиқ фидойи пахтакорларимиз ҳам бунинг ҳаракатини авж олдирдилар. Имкониятларини чамалаб режадан ортиқча дур ундириш тадбирларини кўраяптилар.

Ҳа, улуғ байрамни муносиб кутиб олиш ҳар бир Ўзбекистонликнинг эзгу орзуси. Орзуга етишишнинг бош омили эса фидокорона меҳнат. Бундай деяётганимизнинг боиси баъзи туман ва хўжаликларда экиннинг аҳволини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Тўғри, бемаврид ёққан дўл ва жалалар ғўза ривожига салбий таъсир этди, ўсишни кечиктирди. Аммо аҳволни ўнглашга ҳали фурсат бор. Бободеҳқонга табиатнинг ўзи кўмак бермоқда. Имкон борида отни қамчилаган манзилга етади.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари деҳқонлари ҳаракатларини тезлатишлари даркор. Чунки ушбу вилоятларнинг қатор хўжаликларида ғўзага ишлов бериш, озиқлантириш, суғоришда сусткашликка йўл қўйилаётир.

Масалан, июнь ойи охирлаётганига қарамай Хоразмда эндигина 2,2 мартадан, Қорақалпоғистонда 2,3, Жиззахда 2,8, Қашқадарёда 2,9 мартадан культивация қилинди. Битта култиваторнинг кунлик ўртача иш унумдорлиги Қашқадарёда 3, Қорақалпоғистонда 3,8 гектардан ошмаяпти. Ваҳоланки, бошқа вилоятларда бу кўрсаткич 5,5—7 гектарни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга суғориш ишлари Андижон вилоятида 129,5 фоизни, Наманганда 127,6, Самарқандда 124,1, Сурхондарёда 108 фоизга етгани ҳолда айрим вилоятларда бунинг аксини кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда эндигина олти минг гектарга яқин, Жиззахда салкам 35 минг, Сирдарёда 55 минг, Хоразмда 30 минг гектар майдондаги ғўзага оби ҳаёт таралди. Маълумки, суғориш ниҳоятда муҳим агротехник тадбирлардан ҳисобланади. Ҳосилнинг кўп ё кам бўлиши сувчи маҳоратига, вазифасига масъулият билан ёндошишига боғлиқ. Суғоришда экини ғовлатиб юбормаслик ё аксинча оби ҳаётга қонмай қолишига йўл қўймаслик керак. Сувчига яхши шароит яратиш ҳам тадбирнинг муваффақиятини таъминлайди.

Яна бир муҳим жиҳатни унутмаслик лозим. Одатда суғорилган ерларда бегона ўтлар кўпаяди. Ғўзани эзиб қўяди. Бунинг олдини олиш учун сувдан кейин бўй кўрсатган бегона ўтларни илдизи билан қўпориб ташлаш керак. Акс ҳолда ҳосилга сезиларли таъсир кўрсатади. Пайкалларни бегона ўтлардан тозалашда ортиқча оворагарчиликлар келтириб чиқаради.

Шонани гулга, гулни кўсакка айлантириш палласи бошланди. Бир сўз билан айтганда, ҳосилга ҳосил қўшиладиган дамлар ҳозир. Шуни унутмаган ҳолда ҳар бир дала юмушини сифатли адо этмоқ жоиз. Айрим сабабларга кўра ривожланишдан орқада қолаётган, дала четларидаги ўсимликка қўшимча ишлов бериб яхши ўсаётганларига етказиб олиш чора-тадбирларини кўриш ҳам шу куннинг вазифасидир.

Иккинчи муҳим масала, озиқлантиришни кечиктириб юбормасликдир. Плёнка остида унган кўчатларни озиқлантириш асосан тугалланди. Қолган экинзорларда, шунингдек, авжи суст майдонларда озиқлантиришни узоғи билан июль ойининг биринчи ўн кунлигида якунлаш мақсадга мувофиқдир. Ундан кейин солинган ўғит ғўза ривожини кечиктиради.

Чилла ғўза парваришида ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Миришкорнинг эрта баҳордан бошланган ҳаракати самарасини, мевасини кўрсатадиган пайт. Шу ғанимат кунларда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, парвариш яхши олиб борилса, насиб этса албатта кўзланган ҳосилимиз унади. Бу ёғи ўзимизда қолган.

**Р. БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**деҳқончилик бўлими мудири.**



**Наманган туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигининг Абдусаттор Каримов бошлиқ бригада миришкорлари 63 гектар майдонда ғўза парваришлашяпти. Шунинг 35 гектарига чигит плёнка остига экилган. Жамоа заршунослари гектаридан 45 центнердан оқ олтин етиштириш ниятида экин парваришини уюшқоқлик билан агротехника қоидалари асосида олиб боришмоқда. Суратда, бригада саркори А. Каримов.**

**Т. МАҲКАМОВ олган сурат.**

## ДЕҲҚОН МЕҲРИ ПАЙВАСТА

**Пешку туманидаги Шариф Эргашев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари жорий йилда мўл ҳосил етиштириш учун ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришяпти. Баҳодир Бозоров хўжаликдаги тадбиркор деҳқонлардан бири. У бошлиқ бригада бу йил 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олмоқчи. Аҳди юксак деҳқонлар шу кеча-кундузда ғўза парваришини қизитиб юбордилар. Далалар бегона ўтдан батамом тозаланган. Моҳир механизатор Шариф Бозоров ҳар куни эрта тонгдан ишга чиқиб, 7-8 гектар ерда сифатли культивация ўтказаяпти. Ниҳолларни озиқлантиришга катта эътибор беряпти.**

**Хўжаликнинг Муҳаммад Аслонов, Тўймурод Гадоев, Ҳошим Қозоқов ва Довул Баратов етакчилигидаги бригадаларнинг далаларида ҳам сувчи ва механизаторларнинг баракали меҳнатлари туфайли ғўзалар яшнамоқда.**

Собиржон ҚОДИРОВ.

*Ғолибларни қутлаймиз!*

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами арафасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди «Йилнинг энг яхши журналисти» танловига тақдим этилган 1996 йилги ижодий ишларни кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади.

Амирқул Каримов — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги,

Ҳаким Сатторов — «Халқ сўзи»,

Раҳмон Қўчқоров — Ўзбекистон телевидениеси,

Абдунаби Ҳайдаров — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» — Республика газета ва журналларида эълон қилинган мақолалари ҳамда телевидение орқали намойиш этилган кўрсатувлар учун **1996 йилнинг энг яхши журналистлари** деб топилди. Улар танловнинг **биринчи мукофоти соҳиблари** бўлди.

1996 йилда самарали ижод қилган қуйидаги журналистлар «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови совриндорлари деб топилди.

**Иккинчи мукофот:**

Муаттар Асқарова — Ўзбекистон телевидениеси,

Ғофур Жамолов — Ўзбекистон радиоси,

Абдуқаҳҳор Иброҳимов — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази,

Носир Рихсиев — «Тошкент ҳақиқати»,

Қодиржон Собиров — «Адолат»,

Ғулом Ғофуров — ТошДУ журналистика факультети,

Наталья Шулепина — «Правда Востока»,

Қурбон Эшматов — «Ўзбекистон овози»,

**Учинчи мукофот:**

Шермат Алломов — «Қишлоқ ҳаёти»,

Анна Иванова — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги,

Мурод Калонхонов — «Муштум» журнали,

Мирмуҳсин Мирзокиров — Тўрақўрғон тумани «Машъал» газетаси,

Бўронбек Қудияров — «Нурли жол» газетаси,

Абдумутал Норбоев — «Иқтисод ва ҳисобот» журнали,

Сафар Оллоёров — Ўзбекистон радиоси,

Тўхтамиш Тўхтаев — «Овози тожик» газетаси,

Аллабой Утеулиев — «Ёрқин Қорақалпоғистон» газетаси,

Норинисо Қосимова — Сирдарё вилояти «Адолат кўзгуси» газетаси,

Файзи Ҳайдаров — Ургут тумани «Зарафшон» газетаси,

Муҳаббат Ҳамидова — «Гулхан» журнали.

**(ЎзА).**

*Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

# ҲАҚ СЎЗ ТАНТАНАСИ

***— Ошкораликни таъминлаш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда матбуотнинг хизмати катта. Истиқлол матбуоти шу вазифаларни қандай бажаряпти?***

## Уч авлод вакилларига бир савол



**Раҳимберди УМАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:**

— Мустақиллигимизнинг олти йиллик туйини нишонлайдиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Ана шу муддат ичида, қандай ютуқларга эришдигу, қандай нуқсонларга йўл қўйдик? Матбуот, оммавий ахборот воситалари олдида ана шу жараённи кенг аллозда кўрсатиб беришдек муҳим вазифа турибди. Бу ишни ҳалол, сунъий бўёқларсиз, ошкора адо этмоқ қалам аҳли учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ошкораликнинг туб моҳияти нима ўзи? Бу ҳақиқий аҳволни, воқеа-ҳодисаларни одоб доирасидан чиқмай, рўйирост таърифлаб ва тавсифлаб беришдир. Бундай мезон инсоният тарихида ҳамиша алоҳида қийматта эга бўлган.

Ошкоралик устувор бўлган ерда тараққиёт авж олади.

Ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, телережиссёрлар, радио мухбирлари ошкораликка қанчалик садоқатли бўлсалар, шунчалик савобга қоладилар. Муҳаррирлар, етакчилар, эмаклошлар эса сув бошида турган миробларга ўхшайдилар. Улар — «қулоқ»ни очмас эканлар, сув равон оқмайди. Боз устига вазирликлар, маҳкамалар, идоралар раҳбарлари масаланинг индаллосига кўчмас эканлар, биримиз икки бўлмайди. Президентимиз кўп нарса ҳокимларга, хўжалик, корхона бошлиқларига, уларнинг савиясига, инсофига, ишбилармонлигига, ҳақгўйлигига, тадбиркорлигига боғлиқдир, деб бир неча бор жон куйдириб гапирмоқдалар. «Бироқ, минг афсуски, — эски замон тарбияси билан суяги қотган, ўртача поғонада ўтирган айрим раҳбарлар аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга гов бўлишяпти.

Хатони ошкор этиб, уни дарҳол тўғрилаган ютади, дейилади халқ нақлида. Ана шунда давлатимизга, раҳбариятимизга ҳурмат, ишонч ортади. Ҳар бир фуқарода шу Ватанда туғилганлиги ва яшаётганлиги учун фахр, шукроналик кучаяди. Икки юзламачиликдан ҳазар қилайлик, ҳақиқат, ҳақиқат ва яна ҳақиқатга меҳр қўяйлик. Истиқлол матбуотида, оммавий ахборот воситаларида айни шу йўналиш устувор бўлса, муродга етамиз...

**Норбобо ШАКАРОВ, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири ўринбосари:**

— Ошкоралик — инсон учун аталган буюк маънавий неъматлардан бири. У бор жойда ҳалоллик, поклик, қонун устиворлиги қарор топади, турли ғийбатлар, пинҳона шивир-шивирларга ўрин қолмайди. Ошкораликни, энг аввало — Ҳақ сўзнинг тантанаси деб биламан.

Мустақиллик мафкураси матбуотимиз мазмун ва моҳиятини, қолаверса, унинг олдидаги вазифаларни ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бинобарин, бугунги кунда биз, қаламкашлар мутлақо янги вазифалар оғушида турибмиз. Бу жараён енгил кечмаяпти. Чунки яқин-яқингача ўз қобиғи доирасидагина фикр юритадиган, биқиқ муҳитда сўзлашга маҳкум этилган матбуотимиз эндиликда жаҳоний андозаларга, дунёвий кенгликларга чиқяпти. Буни идрок этиш, англаш шунга монанд қадам ташлаш, қамровни кенг олиш зарур.

Булар матбуотимизнинг бугунги қиёфасини белгиловчи мезонлар бўлиб, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи, унга таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир. Тўғри, кимдир бугун матбуотимиздан қониқиш ҳосил қилмаётган бўлиши мумкин. Аммо бу



Истиқлол матбуотининг фаолиятини, камситиш, тўртинчи ҳокимият сари бораётган саъй-ҳаракатларини батамом рад этиш эмас. Чунки ўша одам ўзи билмаган ҳолда мафкуралашган муҳитдан нафас олади, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга киришади. Буни инкор этиб бўладими? Йўқ. Аслида матбуотнинг кучи ва қудрати ҳам шунда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари бизнинг жаҳон андозаларига мос иш юритиш, ижод қилиш имконини беради. Тўғри, қонунимиз кучга кирди, бироқ оммавий ахборот воситалари имкониятларини ошириш учун замонавий шарт-шароит яратиш, уларга жамиятимизнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин олишларига, яъни тўртинчи ҳокимият мақомига мустаҳкам чиқиб олишларига давлат томонидан кўмак ҳам зарур. Матбуотимизнинг қонунчилик асослари эндигина яратилди. Модомики, шундай экан оммавий ахборот воситаларининг ўз олдига қўйган вазифаларни қандай бажараётганига баҳо беришга ҳозирча шошилмаган маъқул, деб ҳисоблайман.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» газетаси мухбири**

— Сир эмас, бугунги кунда мамлакатимиз матбуотини демократлаштириш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилаяпти. Бундан бир йил муқаддам шу мақсадда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил топган эди. Шу ойнинг ўрталарида эса Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, «Камолот», Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармалари ҳамда Германиянинг Конрад Адинауэр фонди ҳамкорликда пойтахтимизда «Журналистларни қайта



тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази»ни таъсис этди. Бундан бир қанча вақт муқаддам юртбошимиз ташаббуси билан ташкил қилинган истеъдодли ёшларнинг чет элларда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармасининг фаолияти ҳақида мақола тайёрлагандим. Жамғарма томонидан истеъдодли ёшларни хорижга ўқишга юбориш юзасидан белгилаб олинган еттита устувор йўналишлардан бири ҳам айнан журналистика соҳаси эканлигини кўриб, беҳад қувондим. Демак, қобилиятли ёшларимиз эндиликда ҳукуматимиз ҳомийлигида АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония сингари давлатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларида журналистика бўйича ҳам таълим олишади.

Қайсидир соҳа вакилларининг қонуний ҳуқуқлари ортгани сайин уларнинг бурчлари ҳам шунга яраша юксалиб бораверади. Журналистларга кенг кўламли ҳуқуқ ва эркинликлар берилаётган экан, бу билан уларни жамиятнинг «арзанда тоифаси»га айлантириш кўзда тутилаётгани йўқ. Аксинча, бу — ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бугун шунга эҳтиёж туғилаяпти. Чунки демократик жамиятни муҳташам, сарбаланд иморатга қиёс этсак, эркин матбуот унинг собитлигини таъминловчи асосий устунлардан бири саналади.

Албатта, ошкораликни таъминлаш ва жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги матбуотнинг «афсонавий» кучига шак келтириб бўлмайди. Лекин, очиғи, бизнинг матбуотимиз ҳали тўла даражада ана шу вазифаларни уддалаяпти, деб айта олмаймиз. Назаримда, матбуотимиз айни пайтда шаклланиш жараёнини бошдан кечираяпти.

Кечагина биз билан бир тузумда яшаб келган баъзи мамлакатларда бугун ўзларини мутлақо эркин, демократик матбуот намояндалари санаётган нашрлардаги бирёқламаликлар, ноҳолисликлар, қайсидир сиёсий гуруҳлар қўлида қўғирчоққа айланиб қолиш ҳоллари, шовинистик руҳ, матбуотнинг бир юмалаб, «демократик»ка айланиб қолиши мумкин эмаслигини исботлаб турибди. Биз уларни демократик матбуот андозаси сифатида қабул қила олмаймиз. Бу борада ҳам биз танлаган йўл тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.



**Бугунги анъанавий байрамни «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ходимлари ҳам ўзига хос ютуқлар билан қаршиладилар. Хусусан, газета мажмуи мутахассислари оммавий нашрларнинг янада сифатли чиқиши учун ижодий изланмоқдалар.**

**Суратда: газета мажмуи етакчи мутахассиси Жамолиддин Абдураҳмонов (ўнгдан), журналист Миржалол Миралиев ва саҳифаловчи Искандар Холиёровлар.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## БОБОДЕҲҚОНИМ

**Гавҳардан узугу тилло камарга,**
**Ўтмишда деҳқоннинг етмагани рост.**
**Толеим қаро деб, тахту амалга**
**Суқланиб ҳушидан кетмагани рост.**

**Парча ер, қайноқ тер, ҳосилдор эгат,**
**Камтарин умрини безаган, ахир.**
**Замин қудратини ким этарди рад,**
**Деҳқон меъмор эрур, деҳқон — мусаввир.**

**Муқаддас бу тупроқ шўрини ювиб,**
**Деҳқоним, дунёни сен обод этдинг.**
**Ҳар ниҳол, кўкатни эркалаб, суюб.**
**Боболар етмаган бахтга сен етдинг.**

**Ғужғон юлдуз каби очилса пахтанг,**
**Қалбингнин яшнатар шодлик тугёни.**
**Ғаллазор мавжида ранго-ранг оҳанг,**
**Иншоолло, бутун ўзбекнинг нони.**

**Турсун МУҲАММАД.**

## АДҲАМ ҲАМДАМ КУЛДИРГАНДА

***Адҳам Хамдам ҳаёт бўлганларида шу йилда 82 ёшга тўлган бўлардилар. У киши Фарғона водийсининг Афандиси эди. Адҳам аканинг ичак узди латифаларидан Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Саид Аҳмадлар мириқиб кулишган. Француз ёзувчиси Андре Вюрмасер, турк ёзувчиси Азиз Несин, рус ёзувчиси Константин Симоновлар ҳам Адҳам Хамдам латифаларига катта баҳо беришган.***

***Адҳам Хамдам наманганлик ижодкорлардан Парда Турсун, Турғун Пўлат, Чустий, Сотим Улуғзода, Хусниддин Шариповлар ва Санжар Тилла, Абдулла Мирзаев, Рўзи Раҳмон каби журналистлар билан яқин алоқада бўлган. Атоқли адибимиз Саид Аҳмад Адҳам Ҳамдам ҳақида «бутун мамлакатда ундан зўрроқ оғзаки ҳимоялар устаси йўқ» деб ёзган эди.***

***Қуйида газетхонларга Адҳам Ҳамдамнинг айрим латифаларини ҳавола қиламиз.***

### ҲАЗРАТ НАВОИЙ КЕЛЯПТИЛАР

Урушдан олдинги Самарқанд. Буюк Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйига ҳозирлик кўриляпти. Шоирлар Ҳамид Олимжон. Насрулла Даврон, Уткир Рашидлар юбилей комиссиясига аъзо. Адҳам Ҳамдам эса тўй ҳайъатининг котиби. Барча ҳужжатларни тайёрлаш, маблағ ундириш, ташкилий ишларни бошқариш котиб зимасида. Обкомнинг ўша даврдаги котиби Виноградов деган одам. Адҳам Ҳамдам барча ҳужжатларни кўтариб борса, у совуққина кутиб олди:

— Нима гап?

— Алишер Навоий юбилейи яқинлашмоқда, мана бу хужжатларга қўл қўйиб берсангиз...

— Ундан бошқа ишлар ҳам бошдан ошиб ётибди, — деди у қўл силтаб.

Адҳам Ҳамдам иккинчи куни ҳам шундай жавоб олди. Ҳар доим кулиб-кулдириб юрган Адҳам Ҳамдамнинг ғамгин ҳолатини кўрган шоир Уткир Рашид унинг кўнглини овламоқчи бўлди:

— Адҳамжон, шу битта раҳбарга Навоийнинг кимлигини тушунтиролмадингизми, қойил-а!

— Эртага қотириб ташлайман!

Эрталаб келса, обкомда тумонот одам. Ҳеч кимга эътибор бермасдан, ғоз юриш қилиб, навбатсиз котиб ҳузурига кириб кетади.

— А, яна шоирми, яна Навриймми? — сўради саркотиб.

— Э, ишлар чатоқ, — жиддий тусда гап бошлади Адҳам Ҳамдам. — Кеч қолдик. Вақтида ҳужжатларни имзоламадингиз.

— Навоийдан бошқа иш йўқми?

— Узингиз биласиз, менга барибир. Ҳозир ҳазрат Навоий Москвадан Тошкентга келибдилар. Эртага Самарқандда бўлишади.

Саркотиб ўрнидан туриб кетди.

— Хой, шоир, жиннимисан, нима деяпсан, Навоий Масквадан Тошкентга келгунча қараб туравердиянгми? Эртага Самарқандга келса, уятдан ўламиз-ку. Обке хужжатларни, нечта ўзи, ҳаммасига қўл қўйиб бераман. Яна нима керак? Шоир, қулоқ сол. Эртага менинг машинамни ол-да. Навоийнинг ўзинг кутиб ол. Ҳозирча мендан салом айт, учрашамиз.

— Мен кутолмайман, темир йўл вокзалига Усмон Юсуповнинг ўзлари чиқишяптилар...

— Нима дединг, — дея Виноградов қотиб қолди.

Адҳам Ҳамдам мийиғида кулиб чиқиб кетади. Виноградовни лол қолдирганидан қувониб, кутиб турган қаламкашлар ҳузурига қайтди. Гурур кулги кўтарилади.

### ҚЎЧҚОР

Адҳам Ҳамдам катта йиғилишда бир қурилиш ташкилоти бошлиғи билан ёнма-ён ўтирарқан. Бирдан минбардан танқид ёғила бошлади!

— Кўприкбоев сира одам бўлмади. Бажарган иши кулчанинг тешигидай. Квартал топшириқлари уддалашмайди. Нима билан шуғулланади ўзи бу одам?

Кўприкбоев секин Адҳам аканинг қулоғига шивирлайди:

— Акажон, нима қилай, хўжайин ғирт ёлғон гапиряпти. Топшириқлар бажарилмаган кун йўқ. Лекин, ерга урганн, урган.

Адҳам ака секин унинг қулоғига энгашди:

— Қобилжон уйда қўчқордан борми?

— Иккита зўр қўчқорим бор.

— Хўжайиннинг ҳовлисини биласизми?

— Э, билмай бўладими?

— Энди укажоним, ўша қўчқорнинг бахридан ўтасиз. Эртага тонгдаёқ уларни хўжайиннинг ҳовлисига етакланг. Биттасининг думбасига исмишарифингизни ёзиб, ҳовлисига киргизиб юборинг. Натижа яхши бўлади.

...Навбатдаги квартал якунига доир йиғилди. Бошлиқ гапни яна Кўприкбоевдан бошлади:

— Мана, ўртоқлар, ҳалол ва очиқ танқиддан Кўприкбоев юз фоиз ўзгарди, тўғри хулоса чиқарди. Қаранг, топшириқлар юз, ёруғ юз.

— Е, товба, Адҳам ака, қаранг, хўжайин мени мақтаяптиларми?

— Қобилжон, хўжайин эмас, қўчқор гапиряпти, — деди мийиғида кулиб Адҳам ака.

**Нашрга тайёрловчи Элсевар ҲАМДАМ. Наманган.**

## ҚЎШИҚ БАЙРАМИГА ЙЎЛЛАНМА

**Андижонда Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда она Ватан, истиқлол ва халқимиз бунёдкорлигини эъзозловчи қўшиқлар янгради. Биринчи ўрин марҳаматлик ёш хонанда Зиёда Акбаровага, иккинчи ва учинчи ўринлар эса катта ашула ижрочилари — олтинкўллик Давлатхон Тошматова ва Тўлқин Ёқубов, шунингдек, Бўз тумани «Тонг юлдузи» ансамблига насиб этди. Ғолиблар республикамиз пойтахти — Тошкентда ўтказиладиган қўшиқ байрамида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.**

## МУХЛИСЛАРГА МАНЗУР

**Пахтакор туман маданият уйининг «Гулзор» ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоаси «Гуллар ўлкасининг қўшиқлари» деб номланган янги дастур билан саҳнага чиқдилар. Ватан, истиқлол, янгиланиш, яратиш ишқи билан ёниб яшаётган халқимиз ҳаёти тараннум этилган дастур жойларда катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Айниқса ансамбль иштирокчиларидан Аҳмаджон Товбаев, Собиржон Қаршиев, Абдуғаффор Қосимов, Ойбек Олимовлар талқинидаги тароналар дастурга кўтаринки руҳ бағишлаган.**

## Бу ажиб дунё

**Бугунги кунда дунёда экологик аҳвол бирмунча ташвишланарли. Инсоният яратган техникавий «Мўъжизалар» туфайли курраи заминнинг иқлим маромларига ҳам жиддий путур етди. Техника тараққиёти юксакликка ўрмалаётган бир пайтда одамларнинг ўртача умр кўриши йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Лекин, тайванликлар бу масалада анча омадли чиқди. Маълумотларга қараганда, Тайван асрни «қаритганлар» сони бўйича дунёда «Энг пешқадам» мамлакат ҳисобланар экан.**

***

**Тайбэйда 500 дан ортиқ 113-116 ёшга етган киши борлиги аниқланган. Халқаро тадқиқот институтининг маълумотига кўра, кийинги ўн йил мобайнидаги кузатишлар шуни кўрсатадики, узоқ умр кўриш фақат осиёликларга хос бўлиб бормоқда.**

***

**Мексика кўча бозорларига бойлиги бўйича дунёда биринчи ўринда экан. Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, «Мексика пойтахти катта ёввойи бозорга» айланиб кетган.**

**Мутахассисларнинг фикрича, ноқонуний савдо бўйича, Мехико шаҳри дунёдаги манаман деган аҳолиси зич шаҳарларни ҳам ортда қолдиради. Бундан ташқари, мамлакат аҳолисининг атиги 3 фоизигина давлатга қарашли корхоналарда ишловчилар бўлиб, қолганлар эса, «ёввойи бозор» вакилларидир.**

*1997 — Инсон манфаатлари йили*

# МЕҲРИБОНЛАР

Ибодатхон хола ҳар тонг эл-юртга тинчлик тилаб, берган ризқ-рўзига, нозинеъматига шукроналик келтираркан, тўшакда михланиб ётган Инобатхонга яраттандан шифо, сабр-бардош сўрайди.

...Ибодатхон хола тақдирнинг аччиқ зарбалари туфайли бугун букчайиб қолган. Аммо, умр бўйи қўли меҳнатдан чиқмади. Опа-сингил далада ишлаганларини эсласа, юраги ҳозир ҳам ҳапқириб кетади. Ушанда эрта тонгдан оқшомга қадар тинишмасди. Нон-чойини пайкалда ебичиб, эгат оралаб, ғўза чопиб, пахта териб ўтказган умридан улар ҳеч нолимайдилар. Меҳнат дардларини, қайғу-ғамларини унутишга кўмак берарди. Дунё ташвишларидан ариган кўнгиллар кенг далалар қўйнида, одамлар орасида яйрарди. Чунки, Инобатхон турмушга чиқиб икки боласини ерга берди. Бола туғиб бағри тўлмади. Икки ўксик кўнгилларини яхши сўз, тасалли билан овутишди. Бирбирига суяниб қолишди. Ёлғиз қолишгач ота уйига келиб чироғини ёқиб ўтиришди.

Фалокат оёқ остида деганларидек газдан олов чиқиб, уйлари ёниб кетди. Бошимизда бошпаноҳимиз эримиз, боламиз бўлмаса энди нима қиламиз?» дея йиғлаб турishганда маҳалла-кўй, қуни-қўшни кўмакка келдилар. Қарияларни ёлғизлатиб қўйишмади.

— Илоҳо яхшилар, саховатли кишилар омон бўлсин, болаларининг орзу ҳавасини кўришсин, — дея дуо қилишади улар. Айниқса онахонлар маҳалладоши Абдусалом ота Ботировнинг саховати ҳақида тўлиб-тўлиб сўзлашади. Абдусалом ота бош бўлиб айвонли уй қуриб берибди. Қурилиш материалларини топиб келтиришда холанинг жияни Рустамбек елиб-югурибди. Қолаверса бутун маҳалланинг катта-ю кичига оёққа туриб ҳашар йўли билан янги уйни тиклашибди. Бундан опасингилларнинг боши кўкка етганлиги уларнинг ҳар бир сўзи, дуоси, тилаги тўлиб-тошган қалбидан, ёш тўла кўзларидан, дуога очилган қўлларидан сезилиб турибди.

Ҳа, Ибодатхон ва Инобатхон Мамажоноваларнинг меҳр-оқибатли маҳалладошлари, ёру дўстлари, қадрдонлари ана шундай оқибатли, мурувватли инсонлар. Айни кунда ҳам Абдулла қори, Умаржон, Муталибжон, Фазлиддин, Инобатхон, Марзияхон, Зуҳрахон, Мамазулун сингари қўни-қўшнилари билан онахонларнинг ёлғизлиги билинмайди. Ҳар куни бири кириб, бири чиқиб аҳволидан хабар олади. Болалар эса ҳовлисини супуриб ўтини йиғади, сувини ташиб, томорқасини чопади. Худди ўзининг невараларига ўхшайди.

Орамизда баъзан ўз туғишганлари, ҳатто ота-оналаридан юз ўгирган инсонларни кўриб бу қишлоқда яшаётган олиҳиммат кишиларга чин дилдан «раҳмат» дегинг келади ва ўз онасидек онахонларни зиёрат қилаётган бу саховатли инсонларнинг олижаноблилигига беҳад ҳавасинг келади.

Асака тумани Ниёзботир қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла-кўй улуғ айём кунлари бу икки онахонни совғалар билан йўқлаб туришади. Онахонлар эса одамларга, ҳаётга бўлган меҳрлари туфайли хузурига келган меҳмонларга очиқ юз, ширинсўз, дуои-фотиҳа билан пешвоз чиқадилар. Қадам босиб, йўқлаб келганларини кўриб суюниб дунёга сиғмай кетадилар.

Биз бу икки кекса, ёлғиз онахонларни йўқлаб келганимизда маҳалла оқсоқоли Абдусалом отани шу ерда учратиб қолдик. Етмиш ёшларни қоралаб қолган, диёнатли бу инсон билан суҳбатлашдик.

— Инсон саховатли ишларни қўлидан келган пайтда қилса, бунинг савоби катта. Аллоҳ бу аёлларга иссиқ юз, ширин тил, меҳридарёлик ато этган экан, худди болаларидай, қариндошларидай йўқлагимиз, оғирини енгил қилгимиз келади, — дейди отахон.

Ҳа, Ниёзботир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Баҳрин қишлоғида икки нуроний опа-сингиллар меҳрибон кишилар ардоғида яшайдилар.

Кунлар ойларга туташади, юраклар юраклардан қувват олиб, нурланади. Меҳроқибат орқали вайрона кулбалар ёришиб, саховат кўз очади. Саховатдан эса юрт обод, кўнгиллар чароғон бўлиб бораверади. Бундай юртда эса хайр-барака барқарор бўлиб, нуронийлар дуоларидан эл яшнайди.

**Мукаррама ҒАНИЖОН қизи.**


## АКАРИДЕЦИС — БОҒ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ КУШАНДАСИ



Акаридецис мевали дарахтлардаги олма қурти, ўргимчаккана, шира сингари ашаддий зараркунандаларга қарши қўлланиладиган энг самарали дори ҳисобланади. У децис ва омайт аралашмасидан иборат бўлиб, дарахтларга пуркалганидан кейин 25—35 кун мобайнида барча зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилишга қодир.

Акаридецис эритмаси 0,15 фоизлик қилиб тайёрланади. Боғингиздаги дарахтларни зараркунандалардан асрайман, мўл ва сифатли мева етиштираман десангиз акаридецисдан фойдаланинг!

Қўшимча маълумотлар Сизни қизиқтирса, Олмониянинг АгрЭВО фирмаси ходимлари хизматингизга тайёр.




*Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 7-уй, 56-квартира.*

*Тел.: 33-35-25;*
*Факс: 30-20-31.*

AgrEvo



Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0365, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.